Ушбу сонда:
2 РАҲБАР НЕГА ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ?
3 «ЎЗ ИШИМГА ТИКЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН» Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгаши қабулхонасида
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ · ОЛИЙ БАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 9 июн, шанба №89 (1103)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ГУУАМ ҲАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Президент Ислом Каримов ГУУАМнинг Ялта саммитида иштирок этди

Қрим - ажойиб ўлка. Уни таърифлашга ҳар қанча уринманг, нимадир унутилгандек, нимадир етмаётгандек туюлаверади. Ялта эса шу гўзал ўлканинг юрагидир. Кўпчилик мовий денгиз, дарахтларга бурканган тоғларни назарда тутиб, Ялтани энг яхши истироҳат масканларидан бири, деб ҳисоблайди. Лекин унинг шуҳрати дам олиш маскани, деган ном билан чекланмайди. Ялта дунё сиёсатида катта ўзгаришларга сабаб бўладиган учрашувлар мезбони ҳамдир. «Ливадия» саройида 1945 йил 4-11 феврал кунлари бўлиб ўтган машҳур Қрим конференцияси фашизмга қарши курашнинг бурилиш босқичини бошлаб берган эди. Европани озод қилиш ва фашизмни ер юзидан бутунлай қуритиш режалари ҳам ўшанда тузилган. ГУУАМнинг илк расмий саммити айнан шу ерда ташкил этилганида ҳам ўзига хос маъно бор. «Ливадия» - хосиятли макон.

Ялта саммитининг энг муҳим натижаси, шубҳасиз, ГУУАМ Хартиясининг қабул қилинишидир. Бу ҳужжат янги тузилмани халқаро муносабатлар тизимининг тўлақонли субъектига айлантирди. Шу билан бирга, бирлашма ҳақидаги ҳар хил асоссиз башорату таҳминларга чек қўйди. Ялта учрашувида рўй-рост айтилдики, ГУУАМ ҳеч бир давлат ёки давлатлараро тузилмага қарши қўйилмаган, фақат ўзаро манфаатдорлик асосида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бирлашмадир. У асло сиёсий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилот эмас.

Моҳиятан, ГУУАМ сиёсийлашган ё ҳарбийлашган ташкилот бўла олмайди ҳам. Бунга исбот сифатида тузилма аъзолари бўлган давлатларнинг жуғрофий жойлашувини келтириш етарли. Иқтисодий бирлашма дейишга эса ҳар томонлама асос бор. Ўзбекистон мисолида олсак, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз жаҳон бозорига олиб чиқувчи йўлларни кўпайтириш ҳаракатидамиз. Унутмаслик керакки, Афғонистондаги можаро сабабли жанубий йўллардан фойдаланишимиз қийин, анча хавфли. Шарқий ва ғарбий йўналишлар ҳам йўқ эмас. Сарахс-Тежан-Машҳад йўналиши орқали Форс кўрфазига, Андижон-Ўш-Қашқар йўналиши бўйича Хитой портларига чиқиш мумкин. Лекин дунёнинг ривожланган қисми билан алоқани кенгайтиришимиз учун йўлларимиз Европага ҳам уланиши керак. Бунда МДҲ доирасидаги коммуникация тармоқлари, Туркия ва Болгарияга олиб чиқадиган Бокू-Супса йўналиши каби ҳаракат йўлакларининг аҳамияти катта бўляпти. Лекин бу йўллар бўйидаги давлатларнинг жуғрофий жойлашуви, иқтисодий салоҳияти, коммуникациявий имкониятларидан шу вақтгача тўла фойдаланилмай келинмоқда. Баъзан четдан келтирилган товаримизнинг йўлкираси унинг нархидан қиммат бўлиб кетяпти. Демак, Ўзбекистонга энг яқин, энг арзон, энг қулай ва энг хавфсиз йўллар, шунингдек, ишончли шериклар керак. ГУУАМ аъзолари ва уларнинг ҳудудидан ўтадиган йўллар эса ана шу мақсадга хизмат қилади.

Иккинчи фойдали томони шундаки, ГУУАМ воситаси билан савдо-иқтисодий, ижтимоий алоқаларни кенгайтириш, Буюк Ипак йўлини тиклашда нуфузли халқаро ташкилотлардан олинаётган ёрдам ҳажмини кўпайтириш имконияти бор. Масалан, ТРАСЕКА лойиҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Европа Иттифоқи билан эндиликда якка ҳолда эмас, балки минтақавий ташкилот аъзоси сифатида янада кенг кўламли музокара ва маслаҳатлашувлар ўтказиш мумкин. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки каби молиявий ташкилотларнинг кредитларини олишда, БМТ, ЕХҲТ сингари тузилмаларнинг моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашига эришишда, чет эл сармоясини янада кўпроқ жалб этишда ҳам ГУУАМнинг роли катта бўлади.

Яна бир гапни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ялта саммитида Грузия Президенти Ўзбекистон раҳбарини узоқни кўрувчи оқил ва доно сиёсатчи, деб атади. Бунинг сабаби аён. Ўзбекистон мақсадлар муштараклиги боис ГУУАМга қўшилди ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. ГУУАМ эса фақат бунёдкорлик ва тараққиётни ўзига шиор қилган ташкилотдир.

Ҳеч бир мамлакат иқтисоди ўз қобиғи ичида ривожлана олмаслиги равшан. Бошқа давлатлар билан ҳамкорлик учун эса, коммуникация тармоқлари такомиллаштирилиши, савдо-иқтисодий муносабатлар ривожлантирилиши керак. Бу ГУУАМ учун ҳозир энг долзарб масала. Шунингдек, ўзаро савдо-сотиққа божхона тўловлари ва қоидалари, солиқ тизими, йўллар сифати ва хавфсизлиги ҳам бевосита таъсир этишини назардан қочирмаслик зарур. Ялта саммитида бу масала муҳокама этилар экан, ҳозирча ГУУАМ доирасида ягона ахборот макони барпо этиш, Тошкентда бизнес-семинар ташкил этишга келишиб олинди.

Шунингдек, аъзо мамлакатларнинг тегишли органларига ГУУАМ минтақасида эркин савдо зонаси барпо этишга қаратилган ҳужжат тайёрлаш вазифаси топширилди. Тўғри, бу ҳақдаги битим лойиҳаси саммит қатнашчиларига тақдим этилган эди. Лекин президентлар уни такомиллаштирмоқ зарур, деган фикрни айтди. Чунки, ГУУАМнинг бош вазифаларидан бири эркин савдони таъминлашдир. Коммуникация тармоқлари очилар экан, бу транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланиши, демакдир. Транспортда эса, табиийки, юк - товар ташилади. Шундай экан, йўлни очаётганда, бож, солиқ билан боғлиқ масалаларни ҳам параллел ечиш талаб қилинади. Бу эса, эркин савдо зонаси, деган гап.

Президентлар ўзаро алоқаларни шу даражага кўтариш учун бор имкониятларни ишга солиб, баҳамжиҳат шарт-шароит яратишга келишиб олди. Эркин савдо зонаси тўғрисида тайёрланажак ҳужжат фақат ана шундай ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун хизмат қилиши кераклиги таъкидланди.

Зикр этилганлардан келиб чиқиб, Ялта саммитини ГУУАМнинг расмий таъсис йиғилиши, деб аташ мумкин. У тузилманинг самарадорлигини, муҳимлигини намоён этди. Гарчи, аъзо давлатлар раҳбарлари илгари ҳам бир неча бор учрашган бўлса-да, бу галги саммит мазкур бирлашмани расман қонунийлаштиргани билан муҳимдир. Серхосият «Ливадия» саройида расман халқаро муносабатлар тизимининг субъектига айланган ГУУАМнинг галдаги саммити шу йилнинг кузида Озарбойжонда бўлади. Фойдали мулоқотларни келгусида яна учрашишга ахдлашиб якунлаш нақадар хайрли!

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент - Ялта - Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида

Сув тақчиллигидан зарар кўрган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, ушбу минтақаларни сифатли ичимлик суви билан барқарор таъминлашни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, сув тақчиллиги туфайли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг вақтинча ишламаётган ходимларини иш билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш чора-тадбирлари ва уларни маблағ билан таъминлаш манбалари дастури тасдиқлансин.

2. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг сув тақчиллигидан зарар кўрган туманлар аҳолисига моддий-техника ёрдами кўрсатиш, шунингдек 2001 йил ёз-куз даврида сув ташишни таъминлаш учун:

вилоятлар ҳокимликлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига техник жиҳатдан созланган иккитадан сув ташиш автотранспорти ва тўрттадан тиркама цистерна, Хоразм вилояти ҳокимлигига - биттадан сув ташиш автотранспорти ва иккитадан тиркама цистерна;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан тегишли равишда 4 ва 2 сув ташиш автотранспорти, 10 ва 4 тиркама цистернани вақтинча фойдаланиш учун бериш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси билан биргаликда 2 ҳафта муддатда ичимлик сув таъминотининг барча қудуқларини хатловдан ўтказсинлар, сув сатҳи пасайиши хавфи даражасини ҳамда сувнинг заҳира манбаларини барпо этиш, сувни кўп истеъмол қилувчи тармоқлар ва корхоналарни навбатли сув таъминотига ўтказиш ёки, зарур бўлганда, уларни соатли жадвал бўйича сув таъминотига ўтказиш чора-тадбирларини белгиласинлар.

4. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ҳамда хорижий давлатларнинг қарзлари, грантлари ва донорлик ёрдами ҳисобига сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда Амударёнинг қуйи оқимидаги сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш учун халқаро ва хорижий молия ташкилотларининг қўшимча молиявий ресурсларини, шунингдек, донорлик ёрдамни жалб қилиш бўйича ишларни давом эттирсин.

5. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг:

Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг ва Хоразм вилоятидан 5 минг боланинг ёзги дам олишини ташкил этиш;

республиканинг санаторий-курорт муассасаларида Қорақалпоғистон Республикасидан 3 минг ва Хоразм вилоятидан 1,5 минг аёлни санаторий-курортда ва профилактик даволаш бўйича таклифи маъқуллансин.

Кўрсатиб ўтилган йўлланмалар қийматининг 50 фоизи Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари ҳисобига қопланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторий-курорт муассасалари эгалари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан ёзги соғломлаштиришга олиб келинадиган болалар ва аёллар таъминоти харажатларининг 50 фоизини қоплаш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сув тақчиллигидан зарар кўрган қишлоқ туманларида яшайдиган пенсионерлар учун санаторий ва дам олиш уйларига 1500 та, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси учун 1150 та ва Хоразм вилояти учун 350 та йўлланманинг бепул ажратилишини таъминласин.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда республиканинг шаҳарлараро ва шаҳар атрофида йўловчилар ташувчи автотранспорт корхоналарининг кўрсатиб ўтилган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасидан ва Хоразм вилоятидан дам олиш ва соғломлаштириш жойларига, шунингдек, у ердан яшаш жойларига бепул ташиш бўйича ташаббуси маъқуллансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув тақчиллиги оқибатида зарар кўрган туманларида яшовчи кам таъминланган оилаларига мақсадли ва аниқ мўлжалли моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида вақтинча, 2001 йил июл-сентябр ойларида, ҳозирги вақтда тўланаётган нафақа ва пенсияларга қуйидаги миқдорларда ҳар ойлик устамалар белгиласин:

16 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд оилаларнинг нафақаларига ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамга амалдагига нисбатан 50 фоиз миқдорида;

кам таъминланган оилаларда яшовчи пенсионерлар пенсияларига (ёшига кўра ва ногиронлик пенсиялари бўйича) энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида.

(Давоми 2-бетда).

Ирландияда бокс бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Мусобақаларда 68 мамлакат вакиллари чемпионатнинг бош соврини учун ўзаро куч синашаяпти.

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИ ЯРИМ ФИНАЛДА

Уч нафар ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси ярим финалга чиқди. Ҳамюртимиз Ўткир Ҳайдаров чорак финал жангида украиналик Олег Машкинни мағлубиятга учратди. Энди у кубалик боксчи Иорданис Диспайнерга қарши рингга чиқади. Шотландия вакили Кален Макнилни доғда қолдирган Шерзод Ҳусанов ярим финалда кубалик Лоренс Арагон билан учрашади. Руслан Чагаев эса венгриялик Сабо Куртуц устидан ишончли ғалабани қўлга киритди. Ярим финалда Руслан германиялик Виталий Бутга қарши жанг олиб боради.

(ЎзА).

Ижтимоий ҳимоя

ЎҚИТУВЧИ ВА ТАРБИЯЧИЛАР

касабақўм кўмагида дам олиб, саломатликларини мустаҳкамламоқдалар

Бекобод туман халқ таълими бўлими ходими Муҳаббат Ғайназаровани туғилган куни билан жамоадошлари табриклашди. Касабақўм раиси унга аталган совғани топширди. Ёш мутахассис бундай эътибор учун ниҳоятда хурсанд бўлди.

Кейинги вақтларда туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси фаолиятида тантаналарни ҳамжиҳатликда нишонлаш, кўмакка муҳтожларга моддий ёрдам бериш, саёҳатлар уюштириш каби тадбирларни ўтказишда жонланиш сезилмоқда. Шундай мақсадлар учун жорий йилнинг ўтган беш ойида етарлича маблағ ажратилди. Беминнат ёрдамдан 37 нафар ходим баҳраманд бўлди. 5-мактаб ўқитувчиси Абдураҳим Деҳқонов, 7-мактабдан Лола Умурзоқова касалхонада даволанаётганида касабақўм мададини чуқур ҳис қилдилар.

Меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари учун ҳар ойда тумандаги 62 та мактаб, 28 та болалар боғчалари жамоаларидан гуруҳлар тузилиб, саёҳатларга олиб бориляпти. Шунингдек, устоз ва тарбиячилар, уларнинг фарзандлари пойтахтимиздаги театрларга, концертларга бориб келишмоқда.

Шу билан бирга, 4560 нафар ўқитувчи ва тарбиячи Паркент туманидаги оромгоҳга галма-гал уч кунлик дам олишга юборилянти. Яқинда 48-мактаб жамоасидан 30 нафар ходим ана шу масканда бўлди.

Зиёкорлар саломатлигини тиклашда вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти профилакторийсидан унумли фойдаланилаётир. 2000 йилда ушбу шифо масканида 80 нафар ўқитувчи саломатлигини яхшилаган бўлса, шу йилнинг беш ойида 60 нафар киши йўлланма билан таъминланди. Шуниси эътиборга лойиқки, мазкур сиҳатгоҳга йўлланма баҳоси бошқа жойларга қараганда анча арзон.

Булардан ташқари, врачлар маслаҳати ва қўйган ташҳисига қараб соҳа вакиллари ёз ойларида турли санаторийларда дам олиб, даволанадилар.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

МИЛЛИЙ ҒОЯ - БИЗНИНГ ҒОЯ

Жиззахда ана шу мавзуда доимий ҳаракатдаги республика семинари бўлиб ўтди. У мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланди.

Унда иштирок этган олимлар, жамоатчилик вакиллари ва маданий марказлар раҳбарлари республикамизда бугунги кунда 130 миллат вакиллари истиқомат қилаётгани, улар ўзбекларнинг урф-одат ва анъаналарига ҳурмат билан қараган ҳолда, ҳар бир миллат вакилини ўз биродари билиб, тинч-тотув ҳаёт кечиришаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик барча миллатлар учун бебаҳо бойликдир. Хавфсизлигимизга таҳдид солувчи ҳар қандай омилга нисбатан ҳамиша ҳушёр бўлиш, уларга қарши фаоллик билан курашиш миллати, дини ва ирқидан қатъий назар, ўзбекистонликман деган ҳар бири кишининг муқаддас бурчидир.

Семинар қизғин мунозара ва мулоқот руҳида ўтди.

(ЎзА).

ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Урганчдаги Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театрида Ўзбекистоннинг барча гўшаларидан ташриф буюрган мингдан ошиқ иқтидорли болалар тўпланди. Улар бу ерда очилган «Ўзбекистон - Ватаним маним» анъанавий республика қўшиқ байрамининг финал қисмида иштирок этмоқда.

Ёш истеъдод соҳиблари - қўшиқ байрамининг мактаб, туман, шаҳар ва вилоят босқичлари ғолиблари қўшиқ жанрида ўз ижрочилик маҳоратларини намойиш этишмоқда. Улар жонажон ўлкамиз, унинг шавкатли тарихи ва мустақиллик йилларида гуллаб-яшнаётгани ҳақида куйлашмоқда. Қўшиқларнинг аксарияти Оналар ва болалар йилига бағишланган.

Кўрик-танловнинг бош соврини соҳиби ва лауреатлари қўшиқ байрами иштирокчиларининг 8 июн куни Жалолиддин Мангуберди меъморий мажмуининг махсус қурилган саҳнасида бўлиб ўтадиган гала-концертида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида

(Боши 1-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув тақчиллигидан зарар кўрган кам таъминланган оилаларига кўрсатиб ўтилган устамалар асосли белгиланиши, аниқ мўлжалли ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қилиш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин.

Бюджетдан ташқари жамғармалар - Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ва Пенсия жамғармаси маблағлари кўрсатиб ўтилган устамаларни тўлаш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси бюджетдан ташқари жамғармаларнинг ажратилаётган маблағларидан мақсадли ва аниқ мўлжалли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

7. «Ўзавтойўл» давлат концерни, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ҳамда бошқа идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида лойиҳа-смета ҳужжатларига (ишчи чизмаларга) ва маблағ билан таъминлаш манбаларига эга бўлган объектларда қўшимча иш ўринлари барпо этиш ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, жисмоний шахслари вақтинча, 2001 йилда ягона ер солиғи ҳамда сув тақчиллиги туфайли 2001 йилда қишлоқ хўжалиги экинлари экиш учун фойдаланилмайдиган ерлар бўйича ер солиғи тўлашдан озод этилсин.

9. «Пахта-банк», «Ғалла-банк», «Ўзтадбиркорбанк» томонидан ем-хашак харид қилишга деҳқон хўжаликларига микрокредитлар бериш учун тегишли равишда 100, 50 ва 40 миллион сўм ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Тижорат банкларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга:

сув тақчиллигидан зарар кўрган туманларда янги иш ўринлари ташкил этиш учун кичик ва ўрта бизнес субъектларига тайёрланган бизнес-режалар (техник-иқтисодий асослашлар)га мувофиқ биринчи навбатда микрокредитлар ажратилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шу жумладан, сув тақчиллиги туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш имкониятига эга бўлмаган фермер ва деҳқон хўжаликларига, жисмоний шахсларига илгари берилган кредитларни тўлаш муддатини бир йил муддатга кечиктириш;

сув тақчиллигидан зарар кўрган туманлардаги деҳқон хўжаликларига емхашак харид қилиш учун, гаров талаб қилмасдан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органларининг кафолати остида 100 минг сўмгача миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратиш таклиф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисининг 2001 йил охиригача индексация махсус ҳисоб рақамларидан бериладиган омонатларини муддатидан олдин бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига 2001 йилги бадаллари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига - Тахтакўпир туманидаги 35 ўринли даволаш-профилактика маркази ҳамда Қораўзак туманидаги туғруқхона ҳузурида ҳар куни 100 беморга хизмат кўрсатадиган поликлиника қурилишини тугаллаш учун 193 миллион сўм, Хоразм вилояти ҳокимлигига - Урганч шаҳридаги вилоят болалар шифохонасини реконструкция қилиш учун 200 миллион сўм ажратсин.

11. Вазирликлар ва идораларнинг сув ресурсларидан фойдаланишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус комиссия (И.Жўрабеков) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда «Амударё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси билан биргаликда:

Амударё ҳавзасида 2001 йилги вегетация даврида сувдан фойдаланишнинг алоҳида режимини белгиласин, бунда сув ресурсларини қатъий ҳисобга олиш ва тартибга солишнинг жорий қилинишини, Амударёнинг қуйи оқимларидаги сув истеъмолчилари учун сув таъминоти бўйича тенг шарт-шароитлар яратилишини назарда тутсин;

2001 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида пудрат ташкилотлар жавобгарлиги остида, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларидан (ишчи чизмалардан) келиб чиқиб, уларга амалда бажарилган ишлар ҳажми бўйича ҳақ тўлаган ҳолда, сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш бўйича ирригация-мелиорация ишлари ўтказилишини ташкил этсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 8 июн



Мустақиллик иншоотлари

ГАЗЧИЛАР МАСКАНИ

Қарши-Ғузор магистралининг 25-километридаги ўнг томонга бурилган асфалт йўл тўғри «Шўртангазкимё» мажмуасига олиб боради. Бундан уч йил муқаддам дастлабки пойдевори қўйилган бу йирик иншоот МДҲ мамлакатлари орасида ягона ҳисобланади. У йилига 125 минг тонна полиэтилен хом ашёси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу ерда меҳнат қилаётганлар орасида ўз касбининг моҳир устаси Зоҳид Болтаев диққатимизни тортди.

— Газ соҳаси бўйича ишлаш истаги менда ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимда уйғонган, — дейди у. — Шу боис Тошкент кимё-технология олийгоҳига ўқишга кирдим. Айни пайтда смена бошлиғи вазифасида ишлаяпман.

Унинг сменасида 20 нафар мутахассис меҳнат қилади. Бу ерда 4 та асосий ускуна мавжуд бўлиб, шулардан бири «Butem-I» қурилмасидир. У йилига 6 минг тонна хом ашё ишлаб чиқариш қувватига эга.

Кўз илғамас кенгликларда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб қувонасан, киши. 35 километр масофага чўзилган кафтдек асфальт йўлнинг икки ёқасига ўтқазилган дарахт кўчатлари кўкка бўй чўзмоқда. Автомашиналар қатнови бир дақиқа ҳам тинмайди.

Келгусида 1550 нафардан ортиқ киши ишлайдиган корхона атрофидаги 1000 гектар майдонда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 11,5 миллион кубометр ҳажмдаги сув омбори ҳудуд ҳавосини мўътадиллаштириб туради. Ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун футбол, волейбол, теннис майдончалари қурилаётир. 1372 нафар ишчилар ўз мутахассисликлари бўйича малака оширдилар. 163 нафар хотин-қизлар алоҳида эътиборда. Ишчилар мазмунли дам олишлари учун барча қулайликлар яратилган. Шинамгина ошхона, маиший хизмат бинолари, ҳаммом, ётоқхона улар ихтиёрида.

Хуллас, республикамиз мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида ишга туширилиши мўлжалланаётган бу йирик иншоотда иш қизғин. Бунёдкорлар бу иншоотни истиқлол тўйига тўёна сифатида армуғон этиш учун барча имкониятларни ишга солишмоқда.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Суратларда: «Шўртангазкимё» мажмуаси қурилишидан лавҳалар.
Муаллиф олган суратлар.

Каттақўрғон тумани маркази Пайшанба қўрғонининг яқинида жойлашган А.Мўминов номли болалар ёзги оромгоҳига қадам қўйганимизда сўлим табиат сеҳри ўзига ром этди. Минглаб туп мевали ва манзарали дарахтларнинг соя-салқини вужудимизга ором бағишлади.

БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА

Бу ерда ҳар йили меҳнаткашларнинг 750 нафар фарзанди уч даврада хордиқ чиқаради. Бунинг учун барча имкониятлар бор. Дам олиш, тарбиявий ишлар намунали ташкил этилган. Аввалги йилларда ҳам шундай ибратли фаолияти учун мазкур оромгоҳ икки марта республика кўриги ғолиби бўлган эди.

— Ҳар мавсум арафасида туман ҳокимлиги ёрдамида тегишли хўжалик ва ташкилотлар ишчи кучи ва ёрдамчилар сафарбар этилиб, тайёргарлик ишлари олиб борилади, — дейди оромгоҳ раҳбари А.Раззоқов. — Бу йил ҳам баҳорнинг илк кунлариданоқ ҳаракатни бошлаган эдик. Таъмирлаш ишлари белгиланган муддатидан илгари якунланди. Барча бинолар, ўйин майдонлари, ётоқхоналар бекаму кўст жиҳозланди. Газ, сув, электр тармоқлари, хавфсизлик воситалари назоратдан ўтказилди. Қисқаси, болаларни соғломлаштириш, дам олдириш мавсумига пухта ҳозирлик кўрдик.

Мазкур масканнинг бошқаларидан фарқи шундаки, бу ерда 10 гектарли ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Унда ғалла, картошка, нўхот, турли сабзавотлар етиштирилади. Ноз-неъматларнинг бир қисми ўқувчилар дастурхонига тортилади. Қолгани савдо дўконларига чиқарилади.

Шунинг ҳисобидан олинадиган фойда оромгоҳ эҳтиёжларига сарфланади. Масалан, мавсум харажатларининг 50-60 фоизи шу даромаддан қопланади. Амалдаги йилда бу кўрсаткич 6-7 миллион сўмни ташкил этиши мўлжалланяпти. Бундан ташқари кам таъминланган оилалар фарзандларининг 200 нафарини оромгоҳ ҳисобидан бепул дам олдириш кўзда тутилган

Тадбиркорлик билан иш юритиш туфайли дам олаётган ўғил-қизлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари заҳираси ғамлаб қўйилди. Кино, видео, радио ускуналари, спорт анжомлари олинди. Гиламдўзлик, соатсозлик, рассомлик, табиатшуносликлик, электротехника тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Хуллас, болаларнинг оромгоҳда ўтган ҳар бир куни улар учун эсда қоларли, сермазмун онлар бўлиб қолади.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Туманимиздаги энг соя-салқин бўлган мактаблар қошида болажонлар учун оромгоҳлар ташкил этдик. Бу тадбирга туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида пухта тайёргарлик кўрилди. Жамоа шартномамизга болажонларни мазмунли дам олдириш масаласини махсус боб қилиб киритдик.

СПОРТ МУСОБАҚАСИГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Тумандаги А.Қодирий номли 4-сонли, Майна Ҳасанова номли 8-сонли ўрта мактаблар қошида 100 нафар ўғил-қизни ёзги мавсумда дам олдиришни режалаштирган эдик. Яқинда ҳар иккала оромгоҳимизда ҳам очилиш маросими бўлди. Ўқувчиларимизга бу ердаги «Маънавият ва маърифат» каби ўнлаб бурчаклар ёқиб тушди. Уларнинг мириқиб дам олишлари учун барча шароит яратилган. Болалар бу ерда футбол, волейбол, шахмат-шашка ўйнашмоқда. Туман маданият уйига қарашли болалар кутубхонасининг кўчма филиаллари ишлаб турибди. Тарбиячи Наргиза Чўтбоева, Гулсара Тўраева, Юлдуз Ғаффорова, Барно Соқиевалар раҳбарлигида турли бадиий кечалар ўтказилмоқда.

Жажжиларимизнинг олтин ёзларини кўнгилли ўтказишлари учун 720 минг сўмлик маблағнинг 144 минг сўми туман касаба уюшма қўмитамиз ҳисобидан ажратилди. Мақсадимиз — келажагимиз ворислари бўлган ҳар бир болажоннинг шўх ва шодон кулгиси ҳаётимиз мазмуни эканлигини юракдан ҳис қилиб, таътил мавсумини соз ўтказишдир.

Нормурод МЕНГНИЁЗОВ,
Бандихон тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

УНУТИЛМАС ОНЛАР

Оролбўйи минтақаси болаларининг биринчи катта гуруҳи Тошкентдаги соғломлаштириш оромгоҳларида самимий кутиб олинди. Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикасидан ва Хоразм вилоятининг Оролбўйига туташ ҳудудларидан 20 минг нафар бола Тошкент, Наманган, Фарғона ва бошқа вилоятларнинг соғломлаштириш оромгоҳларида дам олишади. Оналар ва болалар йилида касаба уюшмалари бепул дам олувчи Оролбўйи болалари сонини беш бараварга оширди. Темир йўл, автомобил транспорти корхоналари уларни дам олиш масканларига бепул элтиб қўяди.

Бугунги кунда республика касаба уюшмалари 270 минг нафар болани қабул қила оладиган 714 та болалар соғломлаштириш оромгоҳига эга.

(ЎзА).

Солиқ тўлаш — бурчимиз

РАҲБАР НЕГА ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ?

Бош Қомусимизнинг 123-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасида ягона солиқ тизимининг ҳуқуқий асослари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, солиқ ишларини юритиш тартиботи ва солиқ ҳақидаги Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик тартиби Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилиги асосида белгиланади.

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан солиқ тенг асосда амалга оширилади. Демак, ҳар бир шахс солиқ тартиботи қонунларига амал қилиши керак.

Ҳозирги пайтда Баҳористон туманида 315 та корхона ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Йилнинг ўтган чорагида бюджетга 60586,2 минг сўм маблағ ундирилиб, режа 112 фоизга бажарилди.

Ташкилот ва муассасалар ҳамда тадбиркорлик тизимларида солиқ қонунларига риоя қилиниши текширилганда жиддий камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида», «Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳақида»ги Фармонлари ижроси бўйича 36 та корхона, ташкилот ва муассасаларда текшириш ўтказилди. Амалдаги қонунлар бузилганлиги аниқланиб, 157,4 минг сўм қўшимча солиқ миқдори аниқланди ва тегишли ташкилотлар 133,3 минг сўм молиявий жаримага тортилдилар. Мансабдор шахслардан 38 кишига 147 минг сўм жарима солинди.

Тумандаги дон маҳсулотлари жамоа корхонасига нисбатан 108,8 минг сўм молиявий жарима қўлланилди. Корхона раҳбари Н.Тўраев ва бош ҳисобчи А.Бобоназаровлар 9800 сўмлик маъмурий жаримага тортилдилар.

Деҳқонлар-фермер хўжаликларида ҳам солиқ қонунчилигини бузиш ҳоллари учраб турибди. «Гулистон» фермер хўжалиги раҳбари Р.Аннаев ва бош ҳисобчиси Р.Рўзимуродовлар солиқ ва бюджет тўловларини вақтида ҳисоб-китоб қилмаганликлари учун ҳар бири 4900 сўмдан жарима тўлайдиган бўлдилар. Бундай кескин чоралар «Бахт» фермер хўжалиги раҳбари А.Хўжанов ва бош ҳисобчиси Х.Хўжанов, «Ободон» фермер хўжалиги бошлиғи Л.Ғуломов, бош ҳисобчиси А.Жумаевларга нисбатан ҳам қўлланилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари текширилганда 4 та жойда қонун бузиш ҳоллари аниқланиб, айбдорларга 22 минг сўм жарима солинди. Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 4 нафар фуқаро вақтида тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтмаганлиги учун 19,6 минг сўм жарима тўлайдиган бўлишди.

Солиқ тўлаш тартиби ҳамма учун мажбурий. Шу боис юқорида келтирилган мисоллар кимлар учундир сабоқ бўлади, деган умиддамиз.

Зариф ОҒАНИЁЗОВ,
Баҳористон туман Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи.

Ўқувчи ёшларнинг ёзги таътиллари зўр уюшқоқлик билан бошланиб кетди. Бу дам олиш мавсумида кўплаб ўғил-қизлар болалар оромгоҳларида ёз гаштини суради. «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланаётган болалар учун ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, қатор янги оромгоҳлар ташкил этилди.

«МЕҲРИБОНЛИК» ОРОМГОҲИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги кўрсатмасига биноан меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёзги дам олишини уюштиришга катта миқдорда маблағ ажратилди. Вазирликка қарашли «Меҳрибонлик» соғломлаштириш оромгоҳи эса республикамизнинг барча вилоятларидан келган етим болаларни ўз бағрига олади.

Бундан ташқари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ҳам бу ерда алоҳида жой ажратилди.

Маънавий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш мақсадида соғломлаштириш оромгоҳига тажрибали педагоглар жалб этилди. Вазирликнинг режа-молия бошқармасига эса «Меҳрибонлик» соғломлаштириш оромгоҳида қулай шарт-шароитлар яратиб бериш вазифаси юклатилди.

САНЪАТ ШИНАВАНДАЛАРИГА СОВҒА

Пойтахтимиз марказидаги курант ёнида диққатга сазовор бир бино бор. У 1934 йилда қурилган. Бинонинг умумий майдони бир ярим минг квадрат метрни ташкил этади. Унинг ўймакор эшикларини Усто ҳожи Ашур ва Усто Рауф Ёқуб каби тошкентлик таниқли кишилар ясаган. Бинодан дастлаб ўзбекистонлик рассомларнинг кўргазмалар зали сифатида фойдаланилган. 40-50 йилларда эса Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ўрин олган. Кейинчалик 1960 йилда ташкил этилган Бадиий кўргазмалар дирекцияси жойлаштирилган.

Чорак асрдан буён бўш турган ана шу бино эндиликда қайта таъмирланиб, «Замонавий санъат маркази»га айлантирилмоқда. Шарқона ва замонавий меъморчилик уйғунлигида тикланаётган бино мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Китобдаги «АВЖ компани ЛТД» қўшма корхонаси асосан бўр ишлаб чиқаради. У ишга тушган 1998 йилдан буён 125 миллион сўм даромад олинди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 33 миллион сўмни ташкил этди.

Айни вақтда корхона маҳсулотига элликка яқин саноат корхонаси харидор бўлмоқда. Улар орасида Тошкент лак-бўёқ, Оҳангарон пластмасса, Ангрен резина-техника заводлари бор. Яқинда корхонага Австралия ва Германия давлатларидан вакиллар келиб маҳсулот сотиб олиш учун шартнома тузиб кетишди. Мутахассисларнинг фикрича, турдош корхоналар ичида фақат «АВЖ компани ЛТД»да тайёрланаётган бўрнинг оқлик даражаси 99,8 фоизни ташкил этади. Бунга маҳаллий хом ашё тозалиги, технологик жараёнлар мукаммаллиги туфайли эришилмоқда.

(ЎзА).

Ҳурматли «Ишонч» газетаси ходимлари!

«Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак», деган ҳикматни дилга жо этган одамлар қишлоғимизда кўп. Маъмурахон Бозорбоева уларнинг бири. Меҳридарё аёл саъй-ҳаракати туфайли қишлоғимизда анчайин ободончилик ишлари амалга оширилди, аҳолига тиббий хизмат яхшиланди, бекор юрган ўнлаб кишилар ишли бўлишди. Шу кунларда у ногирон-фалаж болаларни даволашдек олижаноб ишга қўл урди.

Андижон тумани, Ёрбоши қишлоғида яшовчи бир гуруҳ оксоқоллар (Хатга ўн киши имзо чеккан).

Ташаббус

ОДАМЛАР ДЕБ ЯШАЙДИ ОДАМ

Ёрбоши қишлоғилик тадбиркор ногирон болаларни бепул даволайдиган марказ очди

Тадбиркор аёлнинг асосий касби шифокор. Тиббиёт институтини тамомлаган, туман марказий шифохонасида акушер-гинеколог вазифасида ишлаган. Ўз касбини севади, камчиликларга муросасиз, янгиликка ўч. Уни шифохона касаба уюшма ташкилотига раис этиб сайлашди. Ўтган йиллар мобайнида Ёрбошига тоза ичимлик суви келтирилди, йўллар асфальтланди, алоҳида туғруқхона биноси қурилиб, ишга туширилди. Ўтган йили опани фахрийликка кузатдилар.

37 йиллик меҳнати даврида қайноқ ҳаёт оғушида бўлиб келган Маъмура опа уйида бор-йўғи икки ҳафтагина ўтиролди. Зерикди. Ён-верида фарзандлари бўлгандаям бир нави эди. Уч қиз, бир ўғил ўсиб-улғайиб, уйли-жойли бўлиб кетишган.

У яна қадрдон жамоасига бориб, бош ҳаким Олимжон Умаровга учради.

— Жуда яхши, — деди у, — бизга бир муаммони ҳал қилишда ёрдам берсангиз. Биласиз, дорихоналар биздан анча йирокда. Ҳу анови бино 8 хонаси бўла туриб бўм-бўш ётибди. Шу ерни дорихонага айлантирсак.

Таклиф Маъмура опага маъқул тушди. Шунинг учун ҳам ўша куниёқ туман ҳокими Ҳ.Ҳакимовнинг қабулида бўлди.

— Таклифга мен ҳам таклиф қўшай: ўша бинони хусусийлаштириб олинг, дорихонадан ташқари хусусий туғруқхона ҳам очинг. Эсингиздами, ишлаб юрган вақтларингизда туғруқхона иши бутун вилоятга намуна қилиб кўрсатилган эди...

Уч ойлик югур-югурдан кейин марказий шифохона ҳудудида дорихона иш бошлади. «Шифокор» кўп тармоқли фирмаси деб аталган бу муассасанинг дори-дармонлари арзон. Боз устига ҳиммати баланд жамоа кам таъминланганлар учун дорини бепул қилиб қўйди. Бепул ёки имтиёзли хизматнинг барча харажатларини эса шу бинога жойлашган музқаймоқ цехи кўтарадиган бўлди.

Янги туғруқхона билан дорихона бир меъёрда ишлаб кетгач, яна муҳимроқ бир муаммо чиқиб қолди: тумандаги фалаж ва ногирон болалар даволанишга муҳтож.. Хўш, уларни соғломлар қаторига қўшиш, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок эта олишлари учун ким қайғуриши керак? Бировнинг ёрдамига кўз тикмасдан, ақалли уч маҳаллада битта даволаш маркази очса бўлмасмикин?

— Республикамизда фалаж-ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилик маркази ишлаяпти. Туманимизда шу марказнинг тармоғини ташкил этсак, унинг бутун ҳомийлигини эса бизнинг «Шифокор» фирмаси ўз зиммасига олса.

— Ниятингиз олижаноб, савобли. Айни пайтда катта маблағ талаб қиладиган иш бу, — деди ҳоким.

— Ҳаммасини ҳисобкитоб қилиб чиққанман. Ўша марказнинг Қўқонда тармоғи бор экан. Бордим, раҳбарига учрадим. «Бориб кўрамиз, имкони бўлса, грант орқали ёрдам уюштирамиз», деди. Чамаси икки миллион сўмлик ёрдам бера олади.

— Яхши, бироқ сизга педиатр, массажчилар керак. Уларнинг иш ҳақи бор...

— Буёғиниям ўйлаб қўйганман: музқаймоқ цехимиз ёнида обинон, қандолатчилик цехларини очаман. Улардан келадиган фойда ҳисобидан ходимларга маош тўлаймиз. Қолаверса, туманимизда ҳиммати баланд одамлар кўп.

«Шифокор» шу кунларда аввалгидан икки баравар кенгайиш арафасида. Тажриба тариқасида Бешбўйноқ, Экин-тикин, Дамариқ маҳаллалари учун «Умид» маркази хонаси очилди. Ҳозирча 32 нафар шифоталаб бола бу ерда даволанмоқда.

М.АБДУКАРИМОВ,
журналист.

ФЕРМЕРНИНГ

мактабга совғаси

Саховат

Фермерлар ҳам болаларнинг келажакда илмли, тадбиркор, яхши инсонлар бўлиб етишишлари учун алоҳида жон куйдираётганликларидан хабарингиз бор. Тошкент вилояти туманлари ва қишлоқларида ана шундай саховатли кишиларнинг мактаблар моддий базасини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ибратли ишлари ҳақидаги хушхабарларни тез-тез эшитадиган бўлиб қолдик.

Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида Оҳангарон туманидаги мактабларга 150 ўринли синфхоналар қуриб берган фермерлар ҳақида хабар қилган эдик. Оққўрғон туманидаги Алишер Навоий номли ширкатлар уюшмасида фаолият юритаётган «Гўзал» фермер хўжалиги раиси Бакир Исроилов ҳам ўз саховатини кўрсатди. Яқинда у ўзи яшаб турган қишлоқдаги ўрта мактабга юз минг сўм пул ҳадя этди.

С.АКРОМОВ,
Тошкент вилояти.

Эҳтиром

Бухоро вилоят ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба қўмита раислари кенгашида тармоқда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган фахрийлар, нафақахўрлар, турли сабаблар билан ногирон бўлиб қолган кишилар, кўп болали, кам таъминланган оила вакилларига алоҳида эҳтиром кўрсатилди.

БИР ПИЁЛА ЧОЙ БАҲОНА...

Тўкин дастурхон атрофида дилдан суҳбат қурган отахону онахонларимиз босиб ўтган ҳаёт йўллари хусусида ёшларга гапириб бердилар. Истиқлол берган имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиш хусусида уруш ва меҳнат фахрийларидан Ҳ.Жўраев, Т.Перетёлкина, А.Журавлёв, Н.Нурбоевларнинг ўгит ва маслаҳатлари кўпчиликка манзур бўлди.

Тадбир сўнггида иштирокчиларга совға-саломлар берилди.

Ихтиёр ЙЎДОШЕВ,
Бухоро шаҳри.

«ЎЗ ИШИМГА ТИКЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН»

Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгаши қабулхонасида

«Инсон ва унинг бахт-саодати учун курашиш касаба уюшмаларининг олий мақсадидир». Наманган вилояти касаба уюшмалари Кенгаши биносига киришингиз билан шундай ёзувга кўзингиз тушади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Кенгаш фаолияти ҳақиқатан ҳам юқоридаги сўзлар билан ҳамоҳангдир, десак адашмаймиз.

Қачон қараманг, қабулхона гавжум. Аввалари, одамлар соғломлаштириш ёинки боласини оромгоҳга жўнатиш масаласида адолатсизлик юз бергудек бўлса, дарҳол юқори ташкилотларга қараб югуришарди. Бугунга келиб манзара бошқача. Эндиликда улар ишловчининг энг яқин суянчиғи касаба уюшма ташкилоти эканлигини яхши тушуниб олишди.

Яқинда Наманган шаҳар қурилиш ташкилотларидан бирида меҳнат қилувчи ишчи ёрдам сўраб мурожаат этди. Унинг айтишича, иш ўрни қисқартирилиши муносабати билан вазифасидан озод этишган. Ҳолбуки, бир жойда 20 йилдан ортиқ меҳнат қилган. Ундан анча кейин ишга қабул қилинган баъзи ишчиларнинг штати сақлаб қолинган. Мен унга Кенгаш қошида фаолият кўрсатаётган «Ариза ва шикоятлар билан ишлаш жамоатчилик комиссияси» аъзоларига учрашишни маслаҳат бердим. Комиссия шикоятни ўрганиб чиқиб, ўринли, деб топди ва уни олдинги иш жойига қайта тиклади. Бекор юрган кунлари учун ўртача ойлик маоши миқдоридаги пулни ундириб берди.

Ушбу жамоатчилик комиссиясига мурожаат қилаётганлар, унинг бевосита аралашуви, ёрдами туфайли ўзининг ҳақ-ҳуқуқини тиклаб олаётганлар, қайтадан ўз вазифасига жойлашаётганлар, соғлиғини тиклаб олиш имконига эга бўлаётганлар оз эмас.

Кенгаш раиси Каримжон Раимжонов, раис ўринбосари Азамат Фаёзов, ташкилий бўлим мудири Муҳаммаджон Эргашев, кенгаш бош ҳуқуқшуноси Ғофиржон Каримов ва бош меҳнат-техника нозири Юнусхон Юсуповлардан иборат комиссия аъзолари навбат билан мурожаат қилаётганларни қабул қиладилар. Ариза ва шикоятлар алоҳида дафтарга қайд этиб борилади. Келувчининг манзили, иш жойи, шикоят мазмуни ёзиб қўйилади. Шунингдек, шикоят қатъий назоратга олинади ҳамда бу иш билан шуғулланиш кенгаш ёки тармоқ қўмиталарининг масъул ходими зиммасига юклатилиб, ҳал этиш муддати кўрсатилади.

Чунончи, вилоят автойўл бирлашмаси катта диспетчери Ботир Акбаровдан ўзи ишлаётган жойда тунги навбатчилик учун имтиёзли миқдорда ҳақ тўланмаётганлиги хусусида шикоят тушди. Тегишли ходим бу масала билан шуғулланди. Б.Акбаров ҳақ бўлиб чиқди ва адолат қарор топди. «Газ-сув қурилиш» акционерлик жамияти ходими К.Саидбариева эса бир неча ойлик маошини, декрет пуллари, шунингдек, ишдан бўшаганлиги бўйича ҳисобкитоб пулларини бериш муддатини чўзиб юборишаётганлиги хусусида мурожаат қилган эди. Бу муаммо ҳам қисқа вақт ичида ҳал этилди. Наманган шаҳар халқ банки касса назоратчиси Асадилло Зокиров, Уйчи туман истиқболстат ходими Муҳайё Маҳмудова ва бошқа қатор ходимларга нисбатан қилинган адолатсизликларга ҳам барҳам берилди. Улар олдинги иш жойларига қайта тикланибгина қолмасдан, бекор юрган кунлари учун ўртача ойлик маоши ундириб берилди.

Жўрахон ВОҲИДОВ,
Наманган вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлим мудири.

Жамоа шартномаси амалда

МИЖОЗЛАР МАМНУН

Сурхондарё «Телеком» корхонасининг Ангор тумани филиали жамоаси айни пайтда 3400 та мижозга намунали хизмат кўрсатмоқда. Бунга эришишда корхона ишчи-хизматчиларини ўз вақтида моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Уларга берилаётган имтиёзларнинг барчаси корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ўз аксини топган.

2000-2002 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасига асосан ҳар ойда ишчиларга ўртача 20 минг сўм миқдорида иш ҳақи, минг сўмдан овқат пули мунтазам равишда бериб борилмоқда. Шунингдек, йиллик меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ходим бир ойлик маош миқдорида рағбатлантирилади. Бундан ташқари, ҳар йили умумхалқ ва касб байрамларида тўкин дастурхон ёзилади. Тизимда 20 йилдан ортиқ ишлаётганларга эса ойлик маошининг 80 фоизи, 15 йил ишлаганларга 60 ва 10 йил давомида узлуксиз ишлаганларга эса 50 фоиз миқдорида мукофот пуллари бериб борилаётир.

Жамоа шартномасига мувофиқ техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ишлари олиб борилиб, ҳар бир ишчи-хизматчи махсус кийим-бош билан таъминланган.

Меҳнатига яраша рағбат олаётган электр монтёрлар Йўлдош Аҳмедов, Шайдул Рўзиев, Борат Чориев, телефончилар Лола Қўзиева, Муборак Хуррамова, Илҳом Ҳотамовлар кунлик иш режасини 1,5-2 баравар ошириб бажариб бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Р. ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.



Мингбулоқ тумани ғаллакорлари пешона тери эвазига етиштирилган мўл ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ўрим-йиғим иштирокчиларига қулай шароитлар яратилган. Паҳлавон «КЕЙС»лар хирмонга барака киритмоқда.

Суратларда: моҳир комбайнчилар Хайрулла Эргашев ва Набижон Мадаминов; қудратли «КЕЙС»лар ғаллазорда.

Ш.ОЛИМОВ
(ЎзА) олган суратлар.

ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА

Навоий туман халқ таълими бўлими ўтган йили 300 ўқувчини «Дўрмон», «Ҳазора» оромгоҳларида дам олдиришга эришган эди. Бунга бир миллиондан ортиқ маблағ сарфланди. Ўқувчиларнинг мароқли дам олишини ташкил этишда туман хўжаликлари ҳам ўзларининг беминнат ёрдамини аямадилар.

Тармоқ касаба уюшма қўмитаси болалар ёзини янада соз ўтказиш юзасидан бу йил ҳам ибратли тадбирларни амалга оширяпти. Хусусан, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг мароқли дам олиши, даволанишлари учун барча қулайликлар яратилди.

Жамоада байрамлар муносабати билан ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» кўрик-танловларини ўтказиш анъанага айланган.

С.ЯРАШЕВ.

Гиёҳвандлик — аср вабоси

БУНДАЙ АЁЛЛАРГА АЧИНАМАН

Гиёҳвандликка рўжу қўйиш, унга боғланиб қолиш — инсоннинг фожеаси. Бунга баъзи аёллар ҳам муккасидан кетаётгани янаям ташвишлидир. Масалан, жорий йилнинг 4,5 ойи мобайнида Самарқанд вилоятида аёллар иштирокида гиёҳвандлик билан боғлиқ 34 та ҳолат аниқланиб, жиноий иш қўзғатилган. Жиноятга қўл урган аёлларнинг 22 нафари ҳеч қаерда ишламайди.

Самарқанд автошоҳбекатида гумон қилиниб ушланган аёл кўрикдан ўтказилгач, унинг ошқозонидан қарийб 80 грамм героин моддаси жарроҳлик усули билан олинди. У Башорат исмли Тожикистон фуқароси эди. Бундан бир неча кун аввал Самарқанд шаҳрида яшовчи Меҳри исмли аёл эса оғир аҳволда тез тиббий ёрдам масканига олиб келинди. Унинг ошқозонидан елим қоғозга ўралган 67,4 грамм героин моддаси топилди. Бечора аёл ўзига келмасдан вафот этди. Тойлоқ туманининг Пайшанбасиёб қишлоғида яшовчи Кенжаой эса ҳовлисига 120 туп кўкнорини экиб қўйгани боис ҳозир одамлар юзига тик қараёлмайди.

Ургут туманидаги қишлоқлардан бирида хизмат сафарида бўлганимизда бир оила фожеасининг гувоҳи бўлдик. Ота ва ўғилнинг нашавандлиги етмагандай, оила бекаси ҳам гиёҳвандликка муккасидан кетибди. Оила моддий ва маънавий таназзулга учраган. Уйдаги имкони бор нарсанинг ҳаммаси сотиб юборилган. Бутун бошли оила томи очилиб қолган уйда, аниқроғи, харобада яшаяпти.

Юқоридагилардан хулоса шуки, кимки нима экса, шуни ўради.

М.АБДУРАҲИМОВА,
милиция лейтенанти.

ҚОРАҚАЛПОҚ «АНТИҚА»СИ

уни кўпайтириш имконини берадиган махсус отарлар яратайлик

Таклиф

Амалдаги йил Қорақалпоғистон Республикаси қоракўлчилари учун ғоят самарали бўлди. Мавжуд ихтисослашган 8 та қоракўлчилик ширкат хўжаликларининг барчаси қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлади. Олинган қўзиларнинг кўп қисми ўстиришга қолдирилиб, янги отарлар барпо этилаяпти. Уларнинг баъзиларида «Антиқа» деб ном олган сур тери берувчи қўй-қўзилар ҳам учрайди. Дарвоқе, сур тери берувчи қўй-қўзилар хусусида мухтасар сўз: маълумки, жаҳон бозорида жуда юқори баҳоланувчи бундай «антиқа» сур берувчи қўй-қўзилар фақат Қизилқумнинг Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманлари туташган яйловларида боқилади. Янада аниқроғи, мана шу ҳудудларда боқилган қўйларгина сур терили қўзилар беради. Бу оддий ҳақиқат узоқ вақтлар кузатилиб, тажрибалар ўтказилиб, амалда синалиб юзага чиққан. Масалан, Қизилқумнинг юқорида эслатилган бошқа жойларида, айтайлик қўшни Хоразм вилоятида сур берувчи қўзилар туғилмайди. Бунинг сири нимада?

— Сири оддий, — дейди Беруний туманидаги «Қизилқалъа» қоракўлчиликка ихтисослашган ширкат хўжалиги раиси Олламберган Исҳоқов. — Заминимиз тупроғи хосиятли. Бу ерда ўсадиган ўт-ўланлар қоронғида ҳам нур таратиб турадиган қўзилар туғилиши учун асосий озуқадир. Бизнинг ширкат хўжалигимизда ҳам «антиқа» сур териси «ижодкорлари», кўп. Улар ҳақиқий сур берадиган қўчқор-қўйларни бир неча йиллар давомида саралайдилар, наслини яхшилайдилар. Фақат афсусланарлиси шундаки, сур тери берадиган қўй-қўзилар боқиладиган ҳудудларда махсус отарлар ташкил этилмаяпти.

Мутахассиснинг фикрида жон бор. Қорақалпоғистон сур терисининг жаҳон бозорида муносиб ўрни бор экан, уни етиштириш мақсадида ихтисослаштирилган хўжаликлар, мабодо имкони бўлмаса, махсус сур тери берадиган наслдор қўй-қўчқорлар отарлари ташкил этиш лозим. Бу зарур тадбир «Қорақалпоққорақўл» бошқармасининг Тўрткўл туманидаги «Қизилқум», Элликқалъа туманидаги «Бухан-Мерей», Беруний туманидаги «Қизилқалъа» ширкат хўжаликларида амалга оширилиши мумкин.

Ўрозали ҚОБУЛОВ,
Беруний туманидаги «Қизилқалъа» ширкат хўжалиги чўпони.

КЎРИК САБОҚЛАРИ

«Европа киноси кунлари» якунига доир

(Боши ўтган сонда)

Дарҳақиқат, меҳр-оқибатли Марининг ҳақиқат, адолат юзага чиқиши учун кўп азоб чекиши, ёш гўдакнинг онасини излаб топиши йўлида кўп синовлардан ўтиши жараёни барчанинг диққатини тортиб туради. Актёрлар Лука де Филиппо эса ўзининг ёш қаҳрамони ҳақида шунчалик эҳтирос ва завқ-шавқ билан ҳикоя қиладики, экрандан кўз уза олмайсиз, беихтиёр. Ижро режиссурасининг сержилолиги мафтун этади сизни. Бу асарнинг («Сендан ўтадиган йўқ») бир фазилатини айтиб ўтиш лозим — унда «соф телевизион» услублардан ижодий, кино талаблари даражасида фойдаланилган. Масалан, актёр ижро давомида бир неча бор объектга, яъни биз томошабинга қараб ўзининг юриш-туришига, қизғин мунозаралар моҳиятига аниқлик киритмоқчи бўлади. Буни уддасидан чиқади ҳам. Қаҳрамоннинг томоша залига мурожаат этиб, самимий табассум билан сўзлаши кино муҳлиси ҳамда кино ижодкори ўртасидаги тўғаноқни олиб ташлайди, қаҳрамон бамисоли қадрдонингдек бўлиб қолади...

Шифохонадан эндигина чиққан ва янги йилни узоқ қишлоқда — қариндошлари даврасида кутиб олишни мақсад қилиб қўйган ёш Франтишекнинг кечинмалари, хатто тушлари, орзу-умидлари экранлаштирилади. Ф.Достоевскийнинг романида таърифланган воқеаларнинг ҳозирча Чехияга кўчирилиши ва бош қаҳрамоннинг ички дунёсини очишга қаратилиши жараёни бизга қизиқарли кўринди. Лирик-драматик, баъзан чуқур психологик ҳолатларни таърифлашга хизмат қиладиган эпизодлар пировардида руҳий касалликка учраган Франтишек кўпгина соғлом кишилардан самимийроқ, ақли расо, камтарин бўлиб кўзга ташланади. Ана шу дақиқаларни режиссёр Саша Гедеон катта бадиий куч билан таърифлар экан, асарнинг бош ғоясини очишга — шафқатсизликни қоралашга эришади...

Режиссёр Томас Ян эса жуда мураккаб эстетик масалани ҳал этган; оғир касалликка учраган икки йигит шифохонадан кетиб дунё кезиши, орзуларидаги денгизни излашлари, сўнгги кадрларда муддаоларига етишларини зўр маҳорат ила тасвирланади. Қўйилган бадиий вазифа жуда нозик: даволаб бўлмайдиган касалликка учраган Мартин ва Рудининг ҳатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатларини кузатиб борадиган томошабинни тетик кайфият тарк этмаслиги кўзда тутилган. Бунинг тасвир, овоз, ҳикоя мароми, айниқса ижро юксак даражада бўлиши, услуб жиҳатидан бир-бирига мос келиши талаб этилган. Асарни қизиқиш билан кўрган томошабин немис санъаткорлари ўз олдиларига қўйган мураккаб вазифани бажара олмаганини мамнуният билан қайд этади.

Кўрикка қўйилган фильмларнинг аксарияти бадиий жиҳатдан юксак талабларга жавоб беришини таъкидлаган ҳолда, айрим ўринларда асарларнинг ғоявий йўналиши, севги, ёшларнинг ўзаро муносабатлари таърифланиши бизда эътироз уйғотди. «Шарқ-шарқ-да!» фильмида (Буюк Британия, режиссёр Дэмиян О'Доннелл) Англияда истиқомат қиладиган покистонликлар, уларнинг урф-одатлари, тарбия, катталарга ҳурмат билан қарашлари, оила қуриш масалаларини ҳал этишларини тасвирлашда кулги уйғотишни кўзда тутиб ясалган кадр-эпизодлар бизга эриш туюлди. Бир миллат таомилининг экран талқинини таъминлашда ўша эл-юртга меҳр қўйиш, унинг урф-одатлари туб моҳиятига тушуниб етиш талаб этилишини яна бир бор эслатгимиз келди... «Кофе ҳам йўқ, телевизор ҳам, мулоқот ҳам» (Швейцария, режиссёр Даниел Шмид) фильмида бир аёлнинг икки йигит севиши, бундан можаро эмас, бизга ёт бўлган «битим» келиб чиқиши тарихи кўрсатилади. Аёл икки шахс билан яқин муносабатда бўлиши батафсил тасвирланади. Нина исмли аёлнинг аввал Марицио, сўнгра унинг дўсти Арно билан ишқий муносабатда бўлиши кўрсатилади. Воқеалар ривожида аёл икки дўст билан яқин алоқада бўлиши табиий бир ҳолдек таърифланади. Бундай эпизодларга, бундай ечимга бўлган салбий муносабатимизни давра суҳбатида ҳамкасбларимизга, бевосита шу асарлар устида ишлаган кино ходимларига айтдик.

Кўрик кунлари Тошкент экранига тақдим этилган бадиий филмлар ҳақида бир мақола доирасида муфассал ҳикоя қилиш ва таҳлил қилиш қийин. Шу боис якуний фикр-мулоҳазаларимизни келтириш билан чекланамиз.

Ҳозирги ўзбек киносида ҳукм сураётган муҳитни халқаро муносабатлар, анжуманлар, кўрик ва баҳсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шаҳримизда муваффақият билан ўтган «Европа киноси кунлари» ҳам киноматография ҳолатининг бугунги бир кўринишидир. Таклифимиз шуки, шу каби кинокўрсатувларда ўзбек киносининг шоҳ асарлари ҳам намойиш этилса, бинобарин, матбуот конференцияларида, давра суҳбатларида миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлмиш киноматографиямиз ҳақида ҳам фикр юритилса.

Шунингдек, экранимизда кўрсатиладиган асарларни танлашда талабчанлик қилиш, урф-одатлар устидан куладиган филмларни экран орқали тарғиб қилинишига йўл қўймаслик ҳақида ўйлаб кўриш керакдир...

Ҳамидулла АКБАРОВ,
киношунос.

Иккинчи истеъдод

Тошпўлат Тошланов — Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг ижтимоий ҳимоя бўлими мудири. Фалсафа фанлари доктори.

Шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.

БАХТИНГ БОРДИР

Бахтим йўқ, деб ғам чекма,
синглим,
Бахтинг бордир, тутгил ёдингда,
Изтироблар вақтинча, билгил,
Ўкинчларинг қолар ортингда.

Билгил, кутар сени бир Инсон,
Нолон юрар излаб ёрини.
Тополмайин ортиб хумори,
Сақлар дилда сир-асрорини.

Ул кун яқин, бир айтди дерсан,
Икки тақдир албат туташгай.
Тўйлар бўлиб, беланчак қучиб,
Қалбинг севинч-қувончдан тошгай.

Бахтим йўқ деб ғам чекма,
синглим,
Бахтинг бордир, тутгил ёдингда,
Изтироблар вақтинча, билгил,
Ўкинчларинг қолар ортингда.

БЎЙДОҚ

(Ҳазил)

Бўйдоқ бўлса нима бўлипти,
У ҳам одам, у ҳам бир инсон.
Айби шуки, хотин олмаган,
Сизлар унга тутмангиз осон.

Сабаб бордир уйланмаслигин,
Кимдир уни чўчитган роса
Ўз хотинин ёмонлайвериб —
Шундан балки қилган хулоса.

Аммо билмас у бир нарсани,
Хотинли уй серфайз, саранжом.
Энг муҳими, дастурхон тўкин,
Ҳар кун уйда қайнайди қозон.

МЕН ИЗЛАГАН ЁР

Бу кўнгил уммони кунлар излаган ёр бормикан,
Бўлса гар ул ҳам менингдек ишқ ила
бедормикан.

Не қилай бу «шум» кўнгил ҳеч кимсага ром
бўлмади,
Қанча-қанча ёр-дўстлар сўзларига кўнмади.

Гоҳи кунлар кўп ширин орзулар ичра ғарқ
бўлиб,
Қайда васли ёр дея ойдан сўрайман ёлбориб.

Менда ҳам орзу-умидлар ва ҳаваслар беҳисоб,
Ғойибона ёрга айтар гапларим кўп — бир
китоб.

Гар насиб этса ул ёрнинг кўксига бошим қўяй,
Тонг саҳарлар иккимизга тангридан мен бахт
тилай.

Бошидан гуллар сочиб ишқ риштаси-ла
боғлайин,
Токи жоним борича мен бир умр ардоғлайин.

Бу кўнгил уммони кунлар излаган ёр бормикан,
Бўлса гар ул ҳам менингдек ишқ ила
бедормикан.



ОБ-ҲАВОНИ КУЗАТГАНДА

Эрталаб қалин шудринг тушса, ҳаво очиқ келади.

***

Кундузи иссиқ, кечаси қаттиқ совуқ бўлса, эртасига ҳаво очиқ бўлади.

***

Кечаси осмонда юлдузлар чарақламай, жуда миллиллаб кўринса, эртасига ёғингарчилик бўлади.

Ним табассум

ШАФТОЛИ ЭКАНИНИ КИМ АЙТДИ?

Афанди бир халта шафтоли кўтариб, кўчада борар экан, бир тўда болаларга қараб:

— Халтадаги нима эканлигини топсаларинг, битта шафтоли бераман, — деди.

— Халтангиздаги шафтоли, — дейишди болалар.

— Шафтоли эканлигини сизларга қайси бадбахт айтди? — деди Афанди ажабланиб.

ИККИ ТАНГА ҚЎШИБ БЕРИНГ

Уйига ўғри кирганини билиб, Афанди кигизнинг орасига беркиниб олди. Ўғри бошқа буюмлар қаторида кигизни ҳам кўтариб тўғри бозорга борди.

— Кигиз неча пул? — сўради бир харидор.

— Беш танга беринг.

— Уч танга бераман, — деб савдолашди харидор.

— Икки танга қўшиб бераверинг, ичида мен ҳам борман, — деган овоз чиқди кигиз ичидан.

ГУНОҲКОР

Афанди гуноҳ қилиб қўйди чамаси, уни қозихонага судраб келишди.

— Уят эмасми, Афандим, — деди қози, — ахир бу ерга иккинчи келишингиз-а?

— Ҳа, нимаси уят!

— Билмайсизми? Бу ерга фақат гуноҳкорларни олиб келишади.

— Мен умрим бино бўлганидан бери бу ерда иккинчи марта бўлишим. Сиз йил ўн икки ой шу ердасиз, биз бир нима демаяпмиз-ку!

Мафтункор ўлкам!

Қашқадарёда 27 та болалар оромгоҳлари бўлиб, бу йилги мавсумда 30 минг нафар фарзандларимиз дам олиши режалаштирилган. Вилоятнинг табиат қўйнида жойлашган сўлим гўшаларда ҳозирданоқ бахтиёр ўғил-қизларнинг шодон кулгулари янграмоқда.

ТОҒ ҲАВОСИ – ТАН ДАВОСИ

Ҳомийларнинг қўллаб-қувватлаши ва амалий ёрдами билан соғломлаштириш мавсумига пухта ҳозирлик билан киришилди. Ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида мазмунли дам олишларини ташкил қилиш, оромгоҳларда моддий-маиший, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш учун ҳамма қулайликлар яратилган.

— Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Китоб туманларидаги болалар оромгоҳларида мавсум уюшқоқлик билан давом этмоқда, — дейди биз билан суҳбатда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Сабоҳат Мирова. — Дастлабки мавсумда фуқароларнинг 8 минг нафар ўғил-қизлари дам олмоқда. Вилоят бўйича 2 мингдан ортиқ кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига текин йўлланмалар берилди.

Вилоятнинг Мингчинор қўрғонида жойлашган «Ёш алангачи» оромгоҳида воҳа газчилари, ёнилғи-энергетик, геология ва кимё саноати ходимларининг фарзандлари соғлиқларини мустаҳкамлашади. Бу сўлим гўшада бир сменада 350 бола дам олади.

Оромгоҳ раҳбари Хайдар Қаландаровнинг ҳикоя қилишича, таътилни кўнгилли ўтказиш учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Мармар фавворалардан тоғнинг биллур суви сочилиб турибди. Замонавий ошхона, ётоқхона, чўмилиш ҳавзаси, болалар театри дам олувчилар хизматида. Ҳисор тоғидаги уч километрли масофадан булоқ суви келтирилди.

Ёшлар бўш вақтларини мароқли ўтказмоқдалар. Концерт, кинофильмлар намойиш этилаяпти. Теннис корти, турли тўгараклар ишлаб турибди, спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Дам олувчиларнинг соғлиғи тажрибали шифокорлар назоратида.

Тарихий жойларга ва табиат қўйнига уюштирилаётган саёҳатлар ёшларнинг кучига куч қўшади.

Вилоятнинг Йўлдош Охунбобоев, Майна Ҳасанова, Улуғбек, Соҳибқирон ва «Шабада» оромгоҳларида ҳам ёзги дам олиш мароқли давом этмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Мустақиллик - нафақат халқимиз турмуши ва юртимиз жамолини тубдан ўзгартирди, балки одамлар онгу шуурида ҳам, маънавий оламида ҳам, оламшумул ўзгаришлар ясади. Миллий мафкурамиз шаклланиб, маданиятимиз осмонида янгидан-янги юлдузлар пайдо бўлди.

«ЕТТИ ГЎЗАЛ»НИНГ БАЙРАМ ТУҲФАСИ

репортаж

«Ўзбекрақс» бирлашмасига қарашли «Етти гўзал» ансамблининг «Тўйлар муборак» рақс томошаси фикримизнинг яққол далилидир.

— Истиқлол ижодий имкониятларимизни кенгайтирибгина қолмай, ёш ва умидбахш раққосаларимизнинг санъат осмонида чарх уриб парвоз қилишлари учун ҳам қатор қулайликлар яратди, - дейди Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Исматова. — Ёшлар шижоати ва устоз санъаткорлар саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ юзага келган томошамиз байрам туҳфаси сифатида санъат шинавандаларига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Дарҳақиқат, шундай миллий шакл танландики, унда аёл қалби кечинмалари, мос хатти-ҳаракатлар орқали халқимизга хос бўлган урф-одатларимиз, азалий анъаналаримизга йўғрилган ҳолда саҳнага олиб чиқилди. Пўлат Мўмин, Тўлан Қўзибоев, Дадахон Ёқубов шеърлари асосида тайёрланган қўшиқлар ҳамда таниқли хонанда ва бастакор Муҳаммаджон Шокиров қайта ишлаган халқ қўшиқлари ҳам томоша сценарийсига ўзига хослик бахш этган.

Ўзбек халқи азалдан болажон халқ. Фарзандлар камолини кўриш, уларнинг бахтли онларига гувоҳ бўлиш ота-оналарнинг ўлмас орзуси. Шуларни ҳисобга олган ҳолда томоша тўрт махсус бўлимга ажратилган.

«Ҳазрати инсоннинг дунёга келиши» ёки «Бешик тўйи» деб номланган биринчи бўлим карнай-сурнайларнинг шўх садоси-ю, эндигина дунё юзини кўрган чақалоқ йиғиси билан бошланади. Саҳна ортида инсон умри, унинг ибтидоси, ҳаёт мазмуни ҳақидаги лирик-фалсафий умумлашмаларга бой сатрлар янграб туради. Марғилонда ўтказилган «Алла» кўрик-танловининг ғолиби, хушовоз хонанда Муборакхон Абдураҳмонова ижросидаги «Алла» ҳар бир томошабин қалбини ларзага келтиради.

Иккинчи бўлимни дастур ижодкорлари «Суннат тўйинг муборак бўлсин, азиз фарзандим» деб аташган. Биринчи бўлимда бўлгани каби дастурнинг бу қисмини ҳам оппоқ либосларга бурканган малоикалар бошлаб беришди. Бу бўлимнинг энг характерли томони халқ қўшиқ ва куйларига қатор миллий ўйинларнинг вобасталигидир. Айниқса, тўйболанинг шўх ўртоғи ролини қойилмақом қилиб ижро этган Рушана Султонова ижросидаги «Дилхирож» рақси билан якунлаши томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

«Келинчак» деб номланган учинчи бўлимнинг эсда қоладиган жиҳатларидан бири «Совчилар» деб номланган театрлаштирилган кўринишдир. Тўй ва тўйгача бўлган маросимлар, «Ёр-ёр» садолари остида келинни тўйга тайёрлаш, қиз мажлиси, келин кузатишлар ўзига хос гуллардан тузилган ажойиб рақс гулдастаси бўлди.

«Пайғамбар ёшингиз муборак бўлсин, онажон» деб номланган тўртинчи бўлим «Тўйлар муборак» концерт дастурига хотима ясади. Оналарга эҳтиром, аёлдек улуғ зотни тараннум этувчи қўшиқлар, фарзандларнинг дил сўзларини қаноатлантирган куйлар, уларга мос рақслар гулдастаси, шакл ва мазмуннинг моҳиятан бирлиги бу бўлимнинг янада мукаммал чиқишига омил бўлди.

Миллийлик, ҳар бир бўлимдаги рақсларга мос равишда танланган кийимлар, саҳна безаклари, куй ва қўшиқларнинг вобасталиги томошабин қалбида ифтихор ҳиссини уйғотди.

Саноатхон ҚУРБОНОВА.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсати аъзоси, «Ўзбекенгилсаноат» Уюшмаси иқтисод-молия таҳлил комплекси раҳбари - Дилбар Муҳамедовага отаси

МАҲМУД МУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Қўқон шаҳар «Мастона» ОТАЖга қарашли КамАЗ-53212 русумли Давлат белгиси 65-59 ФЕМ рақамли автомашинага шаҳар атрофи ва шаҳарлараро юк ташиш учун берилган АТ серияли №0151661 сонли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.25

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2524. 1 2 3 4 5 6